

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ФАРМОНИ

**490** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 мартдаги ПҚ–2834-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 12 июнь,  
ПФ–5083-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 12 июндаги  
ПФ–5083-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон Фармонига 1-илованинг рус тилидаги матнидаги «Наименование Базового вуза» устуни 2-бандидаги «Ташкентский университет информационных технологий» сўзлари «Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 2 июндаги ПҚ–91-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Тошкент ахборот технологиялари университети» сўзлари «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги «Тошкент ахборот технологиялари университетининг» сўзлари «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарорининг 8-банди биринчи хатбошидаги «Тошкент ахборот технологиялари университетида» сўзлари «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 22 майдаги ПҚ–641-сон қарорининг рус тилидаги матни 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташкентский университет информационных технологий» сўзлари «Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 28 майдаги ПҚ–1761-сон қарорининг рус тилидаги матнининг 2-илоvasи «Высшие образовательные учреждения» устуни 37-бандидаги «Ташкентский университет информационных технологий» сўзлари «Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 4 июндаги ПҚ–1771-сон қарори 6-банди биринчи хатбошидаги «Тошкент Ахборот технологиялари университетига» сўзлари «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПҚ–2293-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1 ва 2-иловалардаги «Ташкентский университет информационных технологий» блоки «Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий» блоки билан алмаштирилсин;

б) 3-иловадаги «Филиалы Ташкентского университета информационных технологий\*» блоки «Филиалы Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий\*» блоки билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорида:

а) 9-банднинг учинчи хатбошидаги «Тошкент ахборот технологиялари

**24 (784)-сон**

**— 43 —**

**490-491-моддалар**

университети» сўзлари «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илова рус тилидаги матнининг «Наименование и подведомственность высших образовательных учреждений» устунининг 43 — 47-бандлари «технологий» сўздан кейин «имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 5-илова рус тилидаги матнининг «Наименование высших образовательных учреждений» устунининг 13, 45 — 49-бандлари «технологий» сўздан кейин «имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 27 — 27г, 38 — 38г, 52 — 52г, 64 — 64г, 71 — 71г, 73 — 73г-илова-ларнинг рус тилидаги матнининг номидаги «Ташкентского университета информационных технологий» сўзлари «Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий» сўзлари билан алмаштирилсин.